

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:  
№ БД-5313000-3.03  
2021 йил “04” 06

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
121-сонли буйруғи  
2021 йил “04” 06



## БИОЛОГИК ВА ТИББИЁТ ТИЗИМЛАРИДАГИ БОШҚАРУВ МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим – 5313000 Биотиббиёт мухандислиги  
йўналиши:

ТОШКЕНТ – 2021

**Тузувчилар:**

Эшонов Р.М.

ФЖСТИ, Биофизика ва ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси.

**Тақризчилар:**

Исаков Э.З.

ФЖСТИ, жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудири, т.ф.д.

Тожиев Т.Х.

Фарғона Давлат университети Ахборот технологиялари кафедраси мудири, ф-м.ф.н., доцент.

Модул дастури Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида ишлаб чиқилган.

Модул дастури ФЖСТИ Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “\_\_\_” даги “\_\_\_” – сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасаларо Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “\_\_\_” –сонли баённома билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “\_\_\_” даги “\_\_\_” – сонли буйругининг \_\_\_ – иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

## **Ўқув модулининг долзарбилиги ва олий касбий таълимдаги ўрни.**

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараённида кўллаган ҳолда, талабани назарий маълумотидан бошланғич амалий кўникмаларни бажаришга ўргатиб, ортирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали амалиёт билан уйғунлаштирилган ҳолда кўллашга имкон яратади.

“Биологик ва тиббиёт тизимларида бошқарув” модули ўқув режанинг махсус модуллар блокига таалуқли.

“Биологик ва тиббиёт тизимларида бошқарув” модули ўқитиш талабалар томонидан тиббиётда ахборот технологиялари, умумий физика ва биофизикага оид модуллардан олинган етарли билим ва кўникмаларга асосланади.

Ушбу дастурда “Биологик ва тиббиёт тизимларида бошқарув” модулининг мазмуни, предмети, мақсади ва вазифаси ҳамда моҳияти акс эттирилган.

Соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш назариясининг ривожланиши алоҳида ахамиятга эга бўлиб у касалларни қабул қилиш, диагноз қўйиш ва касалликларни даволашни бир тизимда кўриб автоматлаштирилган бошқарув тизимларини куриш асосида умумий ечимга эришиш учун замин яратиб беради.

Бўлажак биотиббиёт мухандиси мутахассиси Биологик ва тиббиёт тизимларида бошқарувга доир билимларига асосланган дастурнинг биотиббиёт сигналларини таҳлил қилиш ва ишлов бериш, интеллектуал ўлчов техникаси, биотиббиёт сигналларини таҳлил қилиш ва ишлов бериш модулларини эгаллашда зарур билим ва кўникмаларга эга бўлади.

### **Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари**

**2.1. Модулнинг мақсади** – талабаларга Биологик ва тиббиёт тизимларида бошқарув муддати тиббиёт соҳасида, соғлиқни сақлаш тизимларида бошқарувни ташкил қилиш, оммага даволаш ва профилактик ҳизматларни кўрсатиш, даволаш жараёнларини бошқаришни янги услубларини ўрганиш, автоматлаштирилган диагностика қилувчи ва даволовчи мажмуаларни ўрганиш бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

### **2.2. Модулнинг вазифалари:**

талабаларга дастурлаш назарияси, улар асосида аниқ бир масалалар бўйича дастурлар тузиш, уларни компьютерда текшириш ва аниқ хисоблаш ишларини ўргатишдан иборат.

**2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

- Биологик бошқариш тизимлари математик моделлари ва ишлаш тамойилларини
- Биотехник ва тиббиёт аппаратлари ва тизимларида қўлланиладиган автоматик бошқарувчи курилмаларни текширишни

- Биотехник ва тиббиёт аппаратлари ва тизимларида асосий ҳисоблашларни бажариш ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**
- Бошқариш назарияси ва биологик бошқариш тизимларини моделлаштиришнинг ривожланиш тенденцияларини
- Соғликни-сақлаш тизимларини бошқариш жараёнига автоматлаштириш тизимларини қўллашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- Тиббиётда автоматлаштирилган бошқариш тизимларида, бошқарувчи ечимларни системалаш методлари
- Биологик бошқариш тизимлари динамик моделларни текшириш бўйича **кўникмаларига эга бўлиши керак;**
- Асосий тиббиёт қурилмалари ва автоматик бошқарувчи биотиббиёт қурилмаларнинг ҳисоблаш **малакаларига эга бўлиши керак.**

### **3. Асосий қисм**

#### **3.1. Модулдаги маъруза машгулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиши бўйича умумий қўрсатма ва тавсиялар:**

##### **6-семестр**

**1-мавзу:** Бошқариш назариясини соғлиқни сақлаш тизимидағи ўрни. Талабаларни тиббиёт соҳасида, соғлиқни сақлаш тизимларида бошқарувни ташкил қилиш, оммага даволаш ва профилактик ҳизматларни кўрсатиш, даволаш жараёнларини бошқаришни янги услубларини ўрганиш, автоматлаштирилган диагностика қилувчи ва даволовчи мажмуаларни ўрганишдан иборатдир. Биотиббиёт мухандислигини ўрганишда биологик ва тиббиёт тизимларини бошқариш энг зарур омиллардан ҳисобланади.

**2-Мавзу:** Автоматик бошқариш назарияснинг асосий тушунчалари, чизиқли автоматик бошқариш тизимларини тахлил қилиш. Биотехник тизимларда автоматик бошқарув. Талабаларга Автоматик бошқариш назарияснинг, улар асосида аниқ бир масалалар бўйича, чизиқли автоматик бошқариш тизимларини, уларни компьютерда текшириш ва аниқ ҳисоблаш ишларини ўргатишдан иборат.

##### **7-семестр.**

**3-Мавзу:** Бошқариш тизими математик модели. Оптимал бошқариш тизимлари. Бошқариш тизими критериялари. Функционал экстремумларни топиш методлари. Биологик бошқариш тизимлари математик моделлари ва ишлаш тамойилларини, биотехник ва тиббиёт аппаратлари ҳамда тизимларида қўлланиладиган автоматик бошқарувчи қурилмаларни текширишни, биотехник ва тиббиёт аппаратлари ва тизимларида асосий ҳисоблашларни бажариш.

**4-Мавзу:** Дискрет ва ракамли бошқариш тизимлари, уларнинг синфлари. Чизиқли автоматик бошқариш тизимларини текшириш методлари ва динамикаси хусусиятлари. Бошқариш назарияси ва биологик бошқариш тизимларини моделлаштиришнинг ривожланиш тенденцияларини, соғлиқни-сақлаш тизимларини бошқариш жараёнига автоматлаштириш тизимларини

**кўллаш**

**5-Мавзу:** Импульсли автоматик бошқариш тизимлари (АБТ) динамикаси хусусиятлари ва синфлари рақамли автоматик бошқариш тизимларини текшириш услублари ва математик изоҳлаш. Тиббиётда автоматлаштирилган бошқариш тизимларида, бошқарувчи ечимларни системалаш методлари, биологик бошқариш тизимлари динамик моделларни текшириш бўйича

**6-Мавзу:** Соғликни саклаш тизимини бошқариш жараёнини автоматлаштириш. Чизиқли дастурлаш услублари ёрдамида АБТларида бошқариш ечимларини оптималлаш. Асосий тиббиёт қурилмалари ва автоматик бошқарувчи биотехник қурилмаларнинг ҳисоблаш.

**8-семестр.**

**7-Мавзу:** Бошқариш жараёни ва автоматлаштирилган бошқариш тизимлари. Касалликлар ва касалхоналар хакида маълумотлар тўплаш ва уларни қайта ишлаш.

**8-Мавзу:** Даволаш жараёнини ва уни бошқариш тизимларини. Соғликни саклаш тизимидағи диагностика ва даволаш марказлари маълумотларига мос равишдаги илғор технологиялардан фойдаланилади. Динамик дастурлаш ва ўйинлар назарияси методлари бўйича АБТ-ларида бошқариш ечимларии оптималлаш. Бошқарувда қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи интеллектуал тизимлар.

**9-Мавзу:** Биологик ва биотехник тизимларии яратишида ва таҳлил қилишда автоматлаштирилган бошқарув тизимларидан фойдаланишни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва келажаги. Биотиббиёт тизимларини бошқариш ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш янги информацион технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга

**3.2. Модулдаги амалий ва лаборатория машгулотлар мавзулари, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

**3.2.1. Амалий машгулотларнинг мавзулар рўйхати:**

**6-семестр.**

**1-мавзу:** Биотехник ва тиббиёт қурилма ва тизимларида тиббиёт маълумотларини ҳисоблашни бажариш.

**2-мавзу:** Биотехник ва тиббиёт қурилмаларида олинган маълумотларни ўрганиш.

**3-мавзу:** Биотехник ва тиббиёт қурилмаларидан олинган маълумотларни таҳлил қилишни.

**4-мавзу:** Биотехник тизимларда автоматик бошқарув.

**5-мавзу:** Тирик организмни математик тавсифи, таҳлили ва бошқариш жараёни.

**7-семестр.**

**6-мавзу:** Биотехник тизимини бошқариш ва биологик қисмни тавсифлаш.

- 7-мавзу:** Чизиқли автоматик бошқариш тизимларини текшириш методлари.
- 8-мавзу:** Тиббиёт тизимларида ахборот турлари ва уларни формализация қилиш.
- 9-мавзу:** Тиббиётда автоматлаштирилган бошқариш тизимлари.
- 10-мавзу:** Тиббиёт ахборот тизимларида маълумотлар базасини шакллантириш ва МБТ билан ишлаш.

### **8-семестр.**

**11-мавзу:** Соғлиқни сақлаш тизимини чизиқли дастурлаш усули ёрдамида оптималлаш.

**12-мавзу:** АБТ-ларида бошқариш ечимларии оптималлаш.

**13-мавзу:** Динамик дастурлаш усули ёрдамида бошқариш ечимини оптималлаш. Биология ва тиббиёт тизимларида бошқарув фани бўйича ўқув амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

### ***3.2.2. Лаборатория машгулотларининг мавзулар рўйхати:***

#### **6-семестр.**

**1-мавзу:** Биотиббиёт мухандислигида биологик ва тиббиёт тизимларини бошқариш.

**2-Мавзу:** Чизиқли автоматик бошқариш тизимлари.

**3-Мавзу:** Биотехник тизимларда автоматик бошқарув.

**4-Мавзу:** Чизиқли автоматик бошқариш тизимларини компьютерда текшириш.

#### **7-семестр.**

**5-Мавзу:** Бошқариш тизими критериялари. Функционал экстремумларни топиш методлари.

**6-Мавзу:** Биотехник ва тиббиёт аппаратлари ҳамда тизимларида кўлланиладиган автоматик бошқарувчи қурилмаларни текшириш.

**7-Мавзу:** Биотехник ва тиббиёт аппаратлари ва тизимларида асосий ҳисоблашларни бажариш.

**8-Мавзу:** Чизиқли автоматик бошқариш тизимларини текшириш.

**9-Мавзу:** Бошқариш назарияси ва биологик бошқариш тизимларини моделлаштириш.

#### **8-семестр.**

**10-Мавзу:** Соғлиқни-сақлаш тизимларини бошқариш жараёнига автоматлаштириш тизимларини кўллаш

**11-Мавзу:** Тиббиётда автоматлаштирилган бошқариш тизимларида биологик бошқариш тизимлари динамик моделларни текшириш.

**12-Мавзу:** Асосий тиббиёт қурилмалари ва автоматик бошқарувчи биотехник қурилмаларнинг ҳисоблаш.

**13-Мавзу:** Касалликлар ва касалхоналар хакида маълумотлар тўплаш ва уларни қайта ишлаш.

### **3.2.3. Амалий ва лаборатория машғулотларни ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза) ва 50% амалий қисм (амалий ва лаборатория машғулоти)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик грухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Машғулотларни ўтказишида қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чукурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

### **3.2.4. Модулни ўқитиши давомида эгалланадиган амалий қўникмалар ва компетенциялар:**

**Модул давомида эгалланадиган амалий қўникмалар рўйхати:**

1. Тиббиёт тизимларида бошқарув ва бошқариш параметрларини аниқлаш.
2. Тиббий маълумотларни шакллантириш ва уларни тизимлаштириш.
3. Маълумотлар базасини шакллантириш ва МББТларини танлаш, ўрнатиш ва созлаш.
4. Тиббий муассаса тузилмаси ва унда бошқарув аппаратини шакллантириш.
5. Тиббиёт ахборот тизимлари ва уларда ишлаш.
6. Тиббиёт ахборот тизимларини ахборотлар оқими ва уларни бошқариш.
7. Тиббий маълумотларни боқаришда оптималлаш усуллари.
8. Биотехник тизимларда ахборот олиш ва уларни қайта ишлаш технологиялари.
9. Тиббий бошқарувни амалга оширишда қарорлар кабул қилишга қўмаклашувчи тизим.

**Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:**

1. УК 1<sup>1</sup>. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;
2. УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

3. УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобиляти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва ахлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

4. УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишига, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;

5. УК 5. Фавқулоддаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, ҳимоя усулларини қўллашга тайёрлик;

6. УК 6. Фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, ҳимоя усулларини қўллашга тайёрлик;

7. УКК<sup>1</sup> 1<sup>2</sup>. Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббиёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

8. УКК 2. Профессионал фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

9. УКК 3. Тиббий хужжатларни юритишга тайёргалик;

10. УКК 4. Беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва дастлабки тиббий санитар ёрдам кўрсатишни таъминлашга тайёрлик;

11. УКК 5. Тиббий ёрдам кўрсатишда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик.

---

<sup>1</sup>УК- умумий компетенция

<sup>1</sup>УКК – умумий касбий компетенция

#### **4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар:**

##### **4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:**

###### **6-семестр**

- Бошқариш назариясини соғлиқни сақлаш тизимидағи ўрни.
- Соғлиқни сақлаш тизимларида бошқарувни ташкил қилиш.
- Оммага даволаш ва профилактик ҳизматларни кўрсатиш.
- Даволаш жараёнларини бошқаришни янги услубларини ўрганиш.
- Автоматлаштирилган диагностика қилувчи ва даволовчи мажмуаларни ўрганиш.
- Биотиббиёт мухандислигини ўрганишда биологик ва тиббиёт тизимларини бошқариш.
- Автоматик бошқариш назариянинг асосий тушунчалари, чизиқли автоматик бошқариш тизимлари.
- Автоматик бошқариш назарияси.
- Чизиқли автоматик бошқариш тизимлари.
- Бошқариш тизими математик модели.
- Оптимал бошқариш тизимлари.
- Бошқариш тизими критериялари.

- Функционал экстремумларни топиш методлари.
- Биологик бошқариш тизимлари математик моделлари.
- Биотехник ва тиббиёт аппаратлари ҳамда тизимларида қўлланиладиган автоматик бошқарувчи қурилмаларни текшириш.
- Биотехник ва тиббиёт аппаратлари ва тизимларида асосий ҳисоблашларни.
- Дискрет ва рақамли бошқариш тизимлари.
- Чизиқли автоматик бошқариш тизимларини текшириш методлари ва динамикаси хусусиятлари.
- Бошқариш назарияси ва биологик бошқариш тизимларини моделлаштириш.
- Импульсли автоматик бошқариш тизимлари (АБТ) динамикаси.
- Рақамли автоматик бошқариш тизимларини текшириш услублари.
- Тиббиётда автоматлаштирилган бошқариш тизимларида, бошқарувчи ечимларни системалаш методлари.
- Биологик бошқариш тизимлари динамик моделларни текшириш
- Соғлиқни саклаш тизимини бошқариш жараёнини автоматлаштириш. Чизиқли дастурлаш услублари ёрдамида АБТларида бошқариш ечимларини оптималлаш.
- Асосий тиббиёт қурилмалари ва автоматик бошқарувчи биотехник қурилмаларнинг ҳисоблаш.
- Бошқариш жараёни ва автоматлаштирилган бошқариш тизимлари.
- Касалликлар ва касалхоналар ҳакида маълумотлар тўплаш ва уларни қайта ишлаш.
- Даволаш жараёнини ва уни бошқариш тизимлари.
- АБТ-ларида бошқариш ечимларини оптималлаш.
- Бошқарувда қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи интеллектуал тизимлар.
- Биологик ва биотехник тизимларни яратиш ва таҳлил қилиш..
- Биотиббиёт тизимларини бошқаришда ўқитишининг илфор ва замонавий усулларидан фойдаланиш янги информацион технологияларни тадбиқ қилиш.

“Биологик ва тиббиёт тизимларидаги бошқарув” модулида курс иши режада кўзда тутилмаган.

### **Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари**

Биологик ва тиббиёт тизимларидаги бошқарув модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳакидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади. Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуийдаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);

- якуний назорат (ЖН) - синов.

Модулга ажратилган б кредитни талаба ЖН давомида йиғади. 6-семестрда – якунида синов, 7-семестрда – якунида синов, 8-семестрда охирида якуний назорат – ёзма тест топширилади.

## ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Биологик ва тиббиёт тизимларида бошқарув модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар ечиш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) хисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талabalар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Талаба 1 семестрда белгиланган кредитларни тўплаб, синовли вазифани саралаш (ўтиш) баллидан юқори топширганда 2 семестрга ўтади ва ундан кейин 2 семестрдан белгиланган кредитларни тўплагандагина якуний назоратга киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талabalарга факультет декани фармойиши асосида, ўқишини бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор хисобланади.

Академик қарздор талabalарга семестр тугаганидан кейин қайta ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талabalар сафидан четлаштирилади.

### Модул бўйича талаба рейтинги қўйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	A	"аъло" – аъло натижা,	-модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар	5	аъло

		минимал хатоликлар билин	<p>билин асослай олиши;</p> <p>-терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>-муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;</p> <p>-модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;</p> <p>-ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;</p> <p>-амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва</p> <p>-компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;</p> <p>-модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чукур ўзлаштириши;</p> <p>-модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;</p> <p>-назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гурӯҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
81-85	B	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим хатоликлар билин	<p>-модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>-терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>-ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>-модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва</p>	4	яхши

			<p>касбий вазифаларни қўйиш ҳамда хал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>-стандарт вазиятларда муаммоларни ўкув дастури доирасида мустақил хал қила олиши;</p> <p>-амалий қўнималарни мустақил равища тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва</p> <p>-компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий машгулотларда норматив-хуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>-модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>-назарий ва амалий машгулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	
71-80	C	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	<p>-модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>-терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равища ифодалаши;</p> <p>-ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>-модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичida илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда хал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>-стандарт вазиятларда муаммоларни ўкув дастури доирасида мустақил хал қила олиши;</p> <p>-амалий қўнималарни мустақил</p>	

			<p>равища бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>-амалий машғулотларда норматив-хуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганилиги;</p> <p>-модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>-ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>-назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гурӯхли мухокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	"коникарли " – суст натижа, кўпол камчилик- лар билан	<p>-давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим хажмига эга бўлиши;</p> <p>-терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айrim хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айrim маҳсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>-амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо хатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>-компетенцияларни мустақил, аммо хатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>-модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>-педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>-ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p>	3	Кони- қарли

			-назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигига қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг	-давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; -терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол ҳатоларга йўл қўйиши; -жавоб беришга ёки айрим маҳсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; -амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жихатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлик бажара олиши; -компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; -педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; -ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; -назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигига қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	"қониқарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	-давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида факат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; -илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий ҳатоларга йўл қўйса; -назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; -амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз ҳатоларини ҳатто педагог ходим	2	Қониқарсиз

			тавсиялари ёрдамида ҳам түғрилай олмаса.		
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз " – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	-давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида факат айrim фрагментар билимларга эга бўлса; -терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; -назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; -амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам түғрилай олмаса.		

## ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЖНГа ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНГа киритилади. ЯН модул якунида ёзма тест шаклида ўтказилади.

ЯНда саралаш балини (55) йиғолмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирган деб хисобланади (ЖНда тўлиқ кредитни йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигига тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишини бошлаганидан сўнг икки хафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор хисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорининг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан З (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

## **5. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари.**

### **5.1. Асосий адабиётлар:**

1. Тавровский В.М. Автоматизация лечебно-диагностического процесса// Вектор Бук 2009 г. с. 464.
2. Гулиев А.В., Романов Ф.А., Дуданов И.П., Воронин А.В. Медицинские информационные системы. Петрозаводск: ПетрГУ, 2005. 404 с.
3. Кобринский Б.А., Зарубина Т.В. Медицинская информатика. 2016
4. Алиев Р.А., Алиев Р.Р. Теория интеллектуальных систем. Учебное пособие. - Баку: Чашиоглы, 2001. – 720 с.
5. Бойко В.В., Савинков В.М. Проектирование баз данных информационных систем. – М.: Финансы и статистика, 1989. – 351 с.

### **5.2. Қўшимча адабиётлар:**

1. Барсегян А. А. Методы и модели анализа данных OLAP и Data mining// СПб.: БХВ-Петербург, 2004. — 336 с.
2. Барсегян А.А. и др. Технология анализа данных: Data Mining, Visual Mining, Text Mining, OLAP. 2-е издание. Санкт-Петербург «БХВ-Петербург»-2007г.-375с.
3. Бекмуратов Т.Ф., Хожиматов Г.М. Методы представлении нечетких высказываний в интеллектуальных системах принятия решений. / Узбекский журнал «Проблемы информатики и энергетики», 2005. №6, с. 3-11.
4. Бураковский, В.И. Компьютерная технология интенсивного лечения: контроль, анализ, диагностика, лечение, обучение / Науч. центр сердеч.-сосудистой хирургии им. А.Н. Бакулева РАМН. - М., 1995. - 85 с.
5. Верлань А.Ф., Чмырь И.А., Ахатов А.Р., Бобомуродов О.Ж. Системы искусственного интеллекта. Издательство «СамГУ», 2009г., 122с.
6. Воронова А.А. Теория автоматического управления / Под ред. Ч. 1. М.: Высшая школа, 1986. 362 с.
7. Гусев А. В., Зарубина Т. В. Поддержка принятия врачебных решений в медицинских информационных системах медицинской организации. Врач информационные технологии. 2017.N2. С.60-72
8. Егорова. Ю. В. Информационная система поддержки принятия лечебно-диагностических решений на основе формализации профессиональных знаний. Уфа. Вестник УГАТУ. 2007. Т. 9, № 7 (25). С. 67–72
9. Журавлёв Ю. И., Гуревичем И. Б. Распознавание образов и распознавание изображений, Распознавание, классификация, прогноз. — 1989. — Т. 2. — С. 5-73.
10. Кузьминов О. М. Оптимизация этапов медицинской диагностики на основе реляционной базы данных клинических симптомов // Системный

анализ и управление в биомедицинских системах. Воронеж. Том: 10 №2, 2011 Г. С. 430-434

11. Назаренко Г.И. Гулиев Я.И., Ермаков Д.Е. Медицинские информационные системы: теория и практика. // Москва: ФИЗМАТЛИТ, 2005. - 320 с.
12. Назаренко Г.И., Осипов Г.С. Медицинские информационные системы и искусственный интеллект // Медицина XXI. 2003 г. с. 320
13. Рот Г.З., Фихман М.И., Шульман Е.И. Медицинские информационные системы: учеб. пособие / - Новосибирск: Изд-во НГТУ, 2005. - 70 с.
14. Тавровский В.М. Лечебно-диагностический процесс: Теория. Алгоритмы. Автоматизация// 1997 г. с. 320.
15. Эльянов М. Медицинские информационные технологии. Каталог. Вып1-11-М.: Третья медицина. 2001-2011 г.
16. Гонсалес Р., Вудс Р. Цифровая обработка изображений. Пер. с англ. под ред. П.А.Чочиа. М.: Техносфера, 2006. – 1072 с.
17. 162. В.Т. Фисенко, Т.Ю. Фисенко. Компьютерная обработка и распознавание изображений. Учебное пособие, Санкт-Петербург. 2008. с. 195.
18. Y. Cherrault. Modeling and Control of Complex Systems
19. Myer Kutz: Standard Handbook of Biomedical Engineering & Design. Modeling and simulation of biomedical systems, Chapter (McGraw-Hill Professional, 2003), Access Engineering
20. Urszula Ledzewicz, Heinz Schattler, Avner Friedman, Eugene Kashdan.
21. Mathematical Methods and Models in Biomedicine .2012 Copyright Holder: Springer Science + Business Media New York
22. David Dagan Feng & Zaytoon. Modelling and Control in Biomedical Systems 2006,1st Edition
23. B.W. Patterson. Modeling and Control in Biomedical Systems
24. Hacisalihzade, Selim S. Biomedical Applications of Control Engineering
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони, 2015 йил 12 июнь.

### **5.3. Интернет сайлари:**

1. [http://www.gmcit.murmansk.ru/text/information\\_scie...](http://www.gmcit.murmansk.ru/text/information_scie...)
2. [http://joker.u.pereslavl.ru/show\\_thesis.php3?year=...](http://joker.u.pereslavl.ru/show_thesis.php3?year=...)
3. <http://www.intuit.ru>
4. <http://www.dic.academic.ru>
5. <http://www.interactive-science.media/ru>
6. <https://www.science-education.ru>
7. <http://www.infomod.ru/khoperskov>
8. <http://www.volsu.ru>
9. <http://www.wolfram.com>
10. <http://www.ipu.ru/node>

11. <https://nsu.ru>

12. <https://www.biblio.fond.ru>

## “БИОЛОГИК ВА ТИББИЁТ ТИЗИМЛАРИДАГИ БОШҚАРУВ” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Модулнинг тўлиқ номи	Биологик ва тиббиёт тизимларидағи бошқарув.				
Модул коди:	Кредит ҳажми: 6 кредит Шундан: ЖН – 6 кредит: ЯН – 0 кредит (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 6-8 семестр	ECTS value: 8		
Таълим йўналиши	5313000 – Биотиббиёт муҳандислиги	3-4 босқич бакалаврлари			
Модулнинг давомийлиги	54 хафта				
Ўқув соатлари хажми:	Жами соат: Шунингдек: Маъруза амалий машғулот лаборатория иши мустақил иш	180 24 70 50 36			
Ўқув модулининг статуси	Махсус модуллар блоки				
OTM номи, манзили					
Кафедра номи					
Мазкур курснинг ўқитувчилари хақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:			
Машғулот вакти ва жойи					
Модулнинг мазмуни	Соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш назариясининг ривожланиши алоҳида ахамиятга эга бўлиб у касалларни қабул қилиш, диагноз қўйиш ва касалликларни даволашни бир тизимда кўриб автоматлаштирилган бошқарув тизимларини куриш асосида умумий ечимга эришиш учун замин яратиб беради.				
Пререквизитлар	Тиббиётда ахборот технологиялари, умумий физика ва биофизика модуллари назарий қисми ҳисобланади.				
Постреквизитлар	Биологик ва тиббиёт тизимларидағи бошқарувга доир билимларига асосланган дастурнинг биотиббиёт сигналларини таҳлил қилиш ва ишлов бериш, интеллектуал ўлчов техникаси, биотиббиёт сигналларини таҳлил қилиш ва ишлов бериш модулларини эгаллашда зарур билим ва кўникмаларга эга бўлади.				
Модулнинг мақсади	Биологик ва тиббиёт тизимларидағи бошқарув модулини тиббиёт соҳасида, соғлиқни сақлаш тизимларида бошқарувни ташкил қилиш, оммага даволаш ва профилактик хизматларни кўрсатиш, даволаш жараёнларини бошқаришни янги услубларини ўрганиш, автоматлаштирилган диагностика қилувчи ва даволовчи мажмуаларни ўрганиш бўйича йўналиш профилига мос билим,				

	кўникма ва малака шакллантиришdir.
Модулнинг вазифалари	Талабаларга дастурлаш назарияси, улар асосида аниқ бир масалалар бўйича дастурлар тузиш, уларни компьютерда текшириш ва аниқ хисоблаш ишларини ўргатишдан иборат.
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Биологик бошқариш тизимлари математик моделлари ва ишлаш тамойилларини</li> <li>- Биотехник ва тиббиёт аппаратлари ва тизимларида қўлланиладиган автоматик бошқарувчи қурилмаларни текширишни</li> <li>- Биотехник ва тиббиёт аппаратлари ва тизимларида асосий ҳисоблашларни бажариш <b>ҳақида тасаввурга эга бўлиши;</b></li> <li>- Бошқариш назарияси ва биологик бошқариш тизимларини моделлаштиришнинг ривожланиш тенденцияларини</li> <li>- Соғликни-сақлаш тизимларини бошқариш жараёнига автоматлаштириш тизимларини қўллашни <b>билиши ва улардан фойдалана олиши;</b></li> <li>- Тиббиётда автоматлаштирилган бошқариш тизимларида, бошқарувчи ечимларни системалаш методлари</li> <li>- Биологик бошқариш тизимлари динамик моделларни текшириш бўйича <b>кўникмаларига эга бўлиши керак;</b></li> <li>- Асосий тиббиёт қурилмалари ва автоматик бошқарувчи биотиббиёт қурилмаларнинг ҳисоблаш <b>малакаларига эга бўлиши керак.</b></li> </ul>
Таълим бериш усуллари	Маъруза амалий ва лаборатория машғулотлар.
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гурӯхли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

### Ўқитиш натижалари:

#### Модулни якунлаганда талаба билиши керак:

1. Бошқариш назариясини соғлиқни сақлаш тизимидағи ўрнини.
2. Автоматик бошқариш назариянинг асосий тушунчалари, чизиқли автоматик бошқариш тизимларини таҳлил қилиш. Биотехник тизимларда автоматик бошқарувни.
3. Бошқариш тизими математик модели. Оптимал бошқариш тизимлари. Бошқариш тизими критериялари. Функционал экстремумларни топиш методларини.
4. Дискрет ва рақамли бошқариш тизимлари, уларнинг синфлари. Чизиқли автоматик бошқариш тизимларини текшириш методлари ва динамикаси хусусиятларини.
5. Импульсли автоматик бошқариш тизимлари (АБТ) динамикаси хусусиятлари ва синфлари рақамли автоматик бошқариш тизимларини текшириш услублари ва математик изоҳлашни.
6. Соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш жараёнини автоматлаштириш. Чизиқли дастурлаш услублари ёрдамида АБТларида бошқариш ечимларини оптималлашни.
7. Бошқариш жараёни ва автоматлаштирилган бошқариш тизимларини.
8. Даволаш жараёнини ва уни бошқариш тизимларини.
9. Биологик ва биотехник тизимларини яратишда ва таҳлил қилишда автоматлаштирилган бошқарув тизимларидан фойдаланишни ривожланти-ришнинг асосий

йүналишлари ва келажагини.

**Модулни яқунлаганда талаба бажара олади:**

10. Тиббиёт тизимларида бошқарув ва бошқариш параметрларини аниклашни.
11. Тиббий маълумотларни шакллантириш ва уларни тизимлаштиришни.
12. Маълумотлар базасини шакллантириш ва МББТларини танлаш, ўрнатиш ва созлашни.
13. Тиббий муассаса тузилмаси ва унда бошқарув аппаратини шакллантиришни.
14. Тиббиёт ахборот тизимлари ва уларда ишлашни.
15. Тиббиёт ахборот тизимларини ахборотлар оқими ва уларни бошқаришни.
16. Тиббий маълумотларни боқаришда оптималлаш усулларини.
17. Биотехник тизимларда ахборот олиш ва уларни қайта ишлаш технологияларини.
18. Тиббий бошқарувни амалга оширишда қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи тизимни.